



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 2 июнь ● сешанба ● № 23 (640) ● e-mail: inson\_va\_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

## Болаларга ғамхўрлик — давлат эътиборида



Суратларда: тадбирдан лавҳалар

**“Бола қувончи — олам қувончи”** мавзuida ўтказилган байрам тадбирида Адлия вазирлиги томонидан ҳам **“Бола ҳуқуқлари — давлат ҳимоясида”** номли кўргазма намойиш қилинди

КЕЧА бутун дунёда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кенг нишонланди. Шу муносабат билан азим пойтахтимизнинг Ғафур Ғулум номидаги маданият ва истироҳат боғида **“Хар бир фарзанда меҳр, эътибор!”** шиори остида болалар-шоу тадбири кўтаринки руҳда ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, **“Сен ёлғиз эмассан”** болалар жамғармаси, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда кўлаб давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ташкиллаштирилган мазкур байрам тадбири болажонларга бир олам қувонч улашди. Байрам тадбирида Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус интернатлар тарбияланувчилари, маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган оила фарзандлари, имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд болалар мароқли дам олиш билан бирга спорт ҳамда ижодиётнинг кўлаб турлари бўйича ўз иқтидорларини намойён қилишди.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ **“Ватанпарвар”** ташкилоти қошида тузилган **“Авиамодель”** тўғариги аъзолари ясаган авиамоделлар, ўқувчилар техник ижодиёти маркази катнашчиларининг ижод намуналарини болажонлар қизиқиб томоша қилдилар. **“Биз соғлом авлодларимиз”** номли спорт мусобақаси, **“Тинчлик бўлсин оламда”** номли асфальтга расм чизиш ўйинлари ўғил-қизларнинг беғубор орзу-истакларини акс эттирди. **Адлия вазирлиги ва “Камолот” ЕИХ** мутахассислари биргаликда олиб борган **“Иқтидорли ёшлар — Ватан келажаги”** номли викторина беллашувида бола ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий ҳуқуқий нормалар ҳамда Тошкент шаҳрининг тарихи ва бугунга оид билимлар синовида фарзандларимиз ўз зукколиги, билимларини намойён қилдилар. Бар-

ча беллашувларда фаол қатнашган болажонлар аjoyиб совғалар соҳиблари бўлишди. **“Бола қувончи — олам қувончи”** мавзuida ўтказилган байрам тадбирида Адлия вазирлиги томонидан ҳам **“Бола ҳуқуқлари — давлат ҳимоясида”** номли кўргазма намойиш қилинди, плакатлар, ҳуқуқий адабиётлар болажонларда катта қизиқиш уйғотди. Кўргазма давомида болаларга Адлия вазирлиги томонидан бола ҳуқуқларига оид буклетлар, плакатлар тарқатилди. Истироҳат ва маданият боғида бўлиб ўтган байрам тадбирида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова иштирок этди ва сўзга чиқди. **Дилором МАТҚАРИМОВА, “Инсон ва қонун” муҳбири**

### Кенг йўл ва имконият

Алишер МАРДИЕВ,  
Самарқанд вилояти адлия  
бошқармаси бошлиғи:

## «Тараққиёт ва барқарорлик омили»

— **ЖАҲОН** молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимизга салбий таъсирини бартараф этиш ва юмшатиш барча иқтисодий соҳа ходимлари олдига муҳим вазифаларни қўймоқда.

ТАЪКИДЛАШ жоизки, шундай дунёвий мураккаб шароитда ҳам ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш кузатилди. Жорий йилнинг дастлабки чорагидаги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили ҳам юртимизнинг тараққиёт сари дадил қадам ташлаётганидан далолат беради. Бу ўсишлар, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат, барча жабҳаларда олиб борилган давлат сиёсати билан боғлиқ бўлган иқтисодий ислохотлар ва бунинг учун яратилган ҳуқуқий асос — мустаҳкам пойдеворимиз самарасидир.

### Иқтисодиётнинг қон томири

Бу жараёнда, шубҳасиз, иқтисодиётнинг қон томирига менгзаладиган банклар муҳим вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Негаки, мамлакатнинг иқтисодий-молиявий барқарорлиги, тараққиёт-

нинг муҳим омили айнан молия муассасаларининг самарали фаолиятига боғлиқ. Президентимиз жорий йилнинг 13 февралда Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида **“Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби”** номли маърузасида инқирозга қарши чораларни белгилаб берар экан, биринчи навбатда, банклар, уларнинг муассислари капиталлашуви даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни охирига етказиши, ўз низоом жамғармаси миқдорини белгиланган кўрсаткичларга олиб чиқиши ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаши лозим, дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг **“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон**

шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли китобида 2009 йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган имтиёзлар эътиборга лойиқ. Масалан, янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган фикримиз далилидир. Муҳими, берилган имтиёзларнинг амал қилиш мuddати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ мuddати 12 ойдан 18 ойга оширилди. Жорий йилдан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камай-тирилди.



### Адлия идораларида

## “Очиқ эшиклар куни”

250 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти билан мулоқот қилиш имкониятини берди

МАСАЛАН, Косонсой туманидаги касаначи тадбиркор М.Дадажоновнинг туман ҳокимлиги томонидан унга касаначилик фаолиятини ривожлантириш учун ери берилмаётганини хусусидаги мурожаати ўрганилди ва ҳақиқатан ҳам туман ҳудудидан касаначилик бўйича ишлаб чиқариш ва савдо дўкони куриш учун ер майдони ажратилмаётганини аниқланди. Ҳозирда тадбиркорга туман ҳокимлиги ҳузурдаги ер талаш ва ажратиш комиссияси томонидан ер ажратиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Янгиқўрган туманида ўтказилган тадбирларда туман ҳудудидан яшовчи фуқаро Н.Ҳолмирзаева ДАТ “Халқ банки”нинг туман бўлимида қорамол олиш учун имтиёзли кредит олишдаги муаммолардан норози бўлиб мурожаат этди. Урганиш давомида фуқаро қонунда белгиланган тартибда ариза билан мурожаат қилганини аниқлаиб, адлия бошқармаси ходимлари томонидан кредит олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни

расмийлаштиришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Натижада 2009 йил 16 апрель куни 1 (бир) миллион сўм имтиёзли кредит ажратиб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, адлия бошқармаси томонидан Покистоннинг “TRADEWELL INTERNATIONAL” хорижий корхонаси таъсисчилари — директор Жаваит Мухаммад Фаёз Салим, Шаҳзод Али Равашан, Сақиб Аёз, Мухаммад Тоҳирлар билан учрашув ўтказилди. Унда корхона таъсисчилари таркиби ўзгариши муносабати билан қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби тушунтирилди. Учрашувда бошқа масалалар юзасидан ҳам ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармасида Хитой Республикаси фуқаролари Кайци Хай ва Ли Юнг Жунлар қабул қилинди. Унда хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш юзасидан тушунтириш берилиб, уларни қизиқтирган хорижий инвесторларга имтиёз ва преференциялар бериш юзасидан қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатлари ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумотлар берилди.

**Камолитдин ОРИПОВ, Баҳромжон АЛИМОВ, Наманган вилояти адлия бошқармаси ходимлари**

**Мурожаатга бепарволик**  
фаолиятга тўсқинликдан ўзга нарса эмас



**Лафзсизлик**  
Ваъда ваъдалигича қолгани хусусида



**Уйимда ҳамма нарса бор, лекин...**  
Ҳашаматли хонадондаги файзсизлик



# «Тараққиёт ва барқарорлик омили»

(Давоми. Боши биринчи бетда)

## Таҳлил нимани кўрсатди?

Молиявий, маиший ва бошқа хизматлар кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Бундан микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат ҳужалик юритувчи субъектлар оладиган дивидендларнинг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми 5 йил муддатга солиқдан озод этилди.

Шундай имтиёз ва имкониятлар эвазига бугунги кунда Самарқанд вилоятида 38 минг 900 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк муассасалари барча имкониятларини ишга солган. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида тадбиркорларга жами 32.291,7 минг сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди ва натижада тадбиркорлик субъектлари томонидан 2498 та янги иш ўринлари яратилди. Мазкур кредитларнинг аксарияти саноат, қишлоқ ҳужалиги, савдо ва воситачилик фаолияти, қурилиш ҳамда маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Табиийки, тадбиркорлик субъектларига имтиёзли мақсадли кредитлар ажратиш, узлуksиз нақд пул билан таъминлаш ва уларга банк хизматларини кўрсатишда амалдаги қонун ҳужжатларига яроқли қилишни муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан тижорат ва хусусий банклар томонидан амалдаги банк соҳасига оид қонун ҳужжатлари ижроси, уларга яроқли қилинишининг аҳоли адлия идоралари зиммасига юклатилган. Самарқанд вилоятида бу жараён доимий равишда бошқарма миз томонидан назоратга олинган.

Бошқарма миз томонидан тадбиркорлик субъектларига талаб қилиб олгунча ва валюта ҳисоб рақамлари очиш, банк ҳисоб varaқлари тўғрисида шартномалар тузиш, имтиёзли мақсадли кредитлар ажратиш, тўлов топшириқномалари, талабномаларини ўз вақтида, белгиланган тартибда ижро этиш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар учун нақд пул бериш, импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш, фермер ҳужаликларига давлат эҳтиёжи учун имтиёзли кредитлар ажратишда банк қонунчилигида амал қилишнинг аҳоли фаолият кўрсатиб келаётган 16 та тижорат банкида ўрганиб чиқилди.

91 та ҳолатда тадбиркорларга кредит маблағлари ажратишда уларнинг аризаларини белгиланган тартибда рўйхатга олмаклик, тўлов топшириқномаларини кечикиб ижро этиш, нақд пул олиш тўғрисидаги чекарларни ўз вақтида ижро этмаслик каби қонунбузарликларга йўл қўйиб келинаётгани аниқланди. Бу қонунбузулиш ҳолатларини бар тараф этиш юзасидан тижорат банклари бошқарувчилари номига 13 та тақдимнома киритилди ва тақдимномалар тўғрисидаги ижрога кўра, 25 нафар банк ходими интизомий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорларнинг банк соҳасига оид ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда бошқарма миз жойларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вилоят бош бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда тадбиркорлар иштирокида учрашувлар, давра суббатлари ва семинарлар ўтказмоқда.

Зеро, бу сая-харакатларнинг барчаси мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, шу орқали халқ фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва албатта, иқтисодий инкирозга қарши туришда муҳим омил бўлади.

Тўрабек ТўРАЕВ ёзиб олди

## Адлия аралашгач...

# Мурожаатга бепарволик фаолиятга тўсқинликдан ўзга нарса эмас

**ТАДБИРКОРЛИК** билан шуғулланиш мамлакатимиз фуқароларининг муҳим конституций ҳуқуқларидан бири бўлиб, бу ҳуқуқлар юзга чиқарилишига давлат ҳар томонлама қўмаклашадди, уларни тўла қафолатлайди. Зеро, тадбиркорлик тараққиёт топан давлат иқтисодий ривожланишига, гуллаб-яшайди.

АММО гуруҳ курмасиз бўлмаганидек, айрим мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлар фаолиятига, айниқса, уларнинг мурожаатларига бепарволик қилинмоқдаки, буни тадбиркорликка тўсқинлик, дея баҳолаш мумкин. Ваҳоланки, Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасида фуқароларнинг мурожаатларини қўриб чиқишни гайриҳуқуқий тарзда рад этганлик, мурожаатларни қўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилганлик, шунингдек, фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарорни реал бажаришни таъминламаганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Шу ўринда бир ҳаётий мисолни келтириб ўтсак. Ангренлик тадбиркор Т.Қосимов ТИФ "Миллий банк"нинг Ангрен шаҳри филиалига чорвачилик фаолиятини ривожлантириш учун 5 000 000 сўм кредит ажратишни сўраб 2008 йил 5 сентябрда мурожаат қилади. Аммо унинг мурожаати тегишли тартибда ижрога қаратилмаганлиги ҳамда банк томонидан тадбиркорга кредит ажратиш масаласи ўрганиб чиқилмаганлиги боис у 2008 йил 5 декабрда ушбу масала бўйича банкка такроран ариза билан мурожаат этади.

Ушбу ариза "Миллий банк"нинг кредит қўмитасида ўрганиб чиқилиб, кредит ажратиш мақсадида мувофиқ деб топилган ва тўлланган кредит ҳужжатлари ўрганиб чиқилиши учун "Миллий банк"нинг вилоят бўлимига юборилган бўлса-да, филиал томонидан муаллифга белгиланган муддатда ёзма шаклда жавоб хати юборилмаган, кредит маблағи ажратилмаган.

Мазкур ҳолат юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган

тақдимномага асосан филиал бошқарувчисига нисбатан "хайфсан" интизомий жазоси қўлланилди ҳамда филиал бошқарувчиси ўринбосарига нисбатан адлия органи томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 43-моддасига асосан расмийлаштирилган мазмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судида қўриб чиқилиб, унга 84 120 сўм миқдорда жарима жазоси қўлланилди.

Хулоса қилиб айтиданган бўлсак, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш жараёнида қилган ҳар бир мурожаатда янги тадбирларни амалга ошириш, қўшимча иш ўринларини яратиш, ўз молиявий имкониятларини ошириш каби мақсадлар

ётади. Бу эса охи-оқибат мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва мувожнатлаштирилган ўсишини таъминлаш, энг муҳим тармоқларни янада таркибий жиҳатдан ўзгартириш, техник ва технологик янгилаш, иш ҳақлари ва аҳоли турмуш сифатини муттасил оширишга йўналтирилган ҳаракатлардир.

Ушбу мақсад ва ҳаракатлар амалга оширилишига қўмаклашиш ва таъминлаш ҳар бир давлат идораси ходими фаолиятининг асосий мезонини бўлиб ҳисобланмоғи лозим.

Адлия органлари тадбиркорларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда қўриб чиқиши ва қонуний ҳал этилишини доимий назоратига олган ва бу соҳада аниқланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан қонуний чоралар қўрилишини таъминлаб бормоқда.

Азиз ЭРГАШЕВ, Шавкат САТТОРОВ, Адлия вазирлиги масъул ходимлари

## Тажриба

# Суғурта хизмати

### тадбиркорликни ривожлантиришда қандай аҳамият касб этади?

**ХАЛҚАРО** иқтисодиётнинг интеграциялашуви ва глобаллашувида суғурта муносабатлари ўзига хос аҳамият касб этади. Айнан суғурта бозорининг муккамал бўлиши, самарали ишлаши мавжуд бошқа секторларнинг ҳам муваффақиятли фаолият юритишига хизмат қилади. Эндилдикда замонавий суғурта компаниялари нафақат мамлакат ичида, балки бошқа мамлакатлар ҳудудида ҳам ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Натижада иқтисодиётнинг қўллаб-тармоқларида иш олиб бораётган йirik суғурта корпорациялари ташкил топи. Суғурта хизматларининг асосий улуши Европа ва АҚШ суғурта компанияларининг ҳиссасига тўғри келади. Бу мамлакатлардаги компаниялар тадбиркорлик фаолиятидаги хавфларни суғурталаш бораcида катта тажриба тўплаган.

СУГУРТАНИНГ жамиятдаги долзарблиги шундаки, суғурта хизмати орқали тадбиркорлик субъектлари фаолиятида юз бериши мумин бўлган хавфларнинг олдини олишлари ёки унинг оқибатларини камайтириш имконига эга бўлади. Тадбиркорлик суғурта хизматларига доимо эҳтиёж сезади. Чунки, тадбиркорлик фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият ҳисобланади. Демак, тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошириш учун биринчидан, таваккал қилса, иккинчидан, унинг оқибатлари бўйича мулкий жавобгарликни ҳам ўз зиммасига олади. Шундан хулоса қилиб, хавфлар тадбиркор фаолиятининг узвий ва ажралмас қисми дейиш мумкин. Хавфларнинг мавжудлиги тадбиркор фаолияти натижаларининг олдидан маълум эмаслиги билан характерланади. Шундай бўлса-да, тадбиркор даромад илнжида ҳар доим таваккал қилаверади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, суғурта хизматининг ривожланганлик даражаси мамлакат иқтисодиёти барқарорлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади ҳамда унга таъсир қилувчи асосий омил саналади. Мамлакатимизда аксарият суғурта компаниялари томонидан суғуртанинг замонавий турларини тақлиф қилишда етарли тажрибага эга эмасликларини, уларни тартибга солиш ва амалга ошириш усуллари бораcида суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш, катта хавфларни суғурталашда суғурта компанияларининг молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш зарурлиги талаб қилинмоқда. Бу борада иқтисодчи Н.Абдуллаева "Миллий суғурта хизматлари қилаётган суғурта хизматлари рўйхати ғарб суғурта компаниялари тақлиф қилувчи кенг доирадаги ранг-баранг суғурта ма-

сулотларига солиштирганда анча чекланган. Бундан ташқари, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ давлат бошқарув органи ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида суғурта ва бошқа хил хизматлар тизими ривожлантирилишини тақил этишлари лозим" деб таъкидлайди.

Президентимизнинг 2007 йил 10 апрелдаги "Суғурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислох қилиш ва ривожлантириш дастури маъқулланди ва суғурта компаниялари фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда катор вазифалар белгиланди. Хусусан, суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш, кўрсатилган суғурта хизматлари, айниқса, тадбиркорлик фаолиятини, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш, ҳаётий узок муддатга суғурталаш, шу жумладан, суғуртанинг жамғарма турлари соҳасида суғурта хизматлари ҳаж-

МАЪЛУМОТЛАРГА қараганда, бугунги кунда "янги" А (Н, Н.) гриппи билан оғриган беморлар сони дунё бўйича 13398 нафардан ошди, шундан 99 нафар бемор ушбу оғир ҳасталиқдан вафот қилган.

## Адлия вазирлигида

# Вазифалар аниқ, ишлар қўлами кенг

БИР КИШИНИНГ хавfli юқумли касалликлари чалиниши нафақат ўз саломатлиги, балки ҳаммамнинг, айрим ҳолларда бутун дунё аҳолиси саломатлиги учун жиддий хавф тудиради.

Ҳозирги кунда "парранда гриппи" ҳамда яқин кунларга "чўчка гриппи" деб аталиб келинган "янги" А (Н, Н.) гриппининг тарқалиш хавфи жаҳон жамоатчилиги, айниқса, мутахассисларни ташвишлантираётгани барчага маълум. Бу касалликларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан ҳар бир мамлакат ўз имкониятлари ҳамда заруриятдан келиб чиқиб, кескин чора-тадбирлар кўраётгани бежиз эмас. Хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан "янги" А гриппининг олдини олиш юзасидан ишлаб чиқилган тавсияларга ҳар бир мамлакат ўз шароитидан келиб чиқиб амал қилмоқда.

— Таъкидлаш кераклики, ҳеч бир давлат бу касалликнинг четдан кириб келиши, тарқалиб кетиш хавфидан юз фоиц қафолатланмаган, - деди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология бош бошқармаси бошлиғи Саидмурод Саидалиев Адлия вазирлигида бўлган учрашувда. — Шунинг учун республикамизда бу касаллик четдан кириб келишининг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика эпидемияга қарши кураш факултетида комиссиясининг 2009 йил 28 апрелдаги навбатдан ташқари мажлиси қарори билан тегишли вазирликлар, идоралар, мутасадди ташкилотлар олдига бу борада аниқ вазифалар қўйилди.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қўшида ташкил этилган махсус штаб томонидан бу касаллик бўйича дунёдаги вазият доимий равишда таҳлил қилиниб, амалга оширилаётган тадбирлар тақомиллаштириб бориляпти. Давлатимиз чегараларининг кесиб ўтиш жойларидаги санитария-назорат пунктларининг фаолияти кучайтирилди. Тожик халқаро аэропортида қўшимча равишда яна 5 та санитар-назорат пункти ташкил этилган. Бу каби тадбирлар темир йўл ва автомобиль транспорт йўлларидан ҳам амалга оширилди. Давлат санитария-эпидемиология назорат марказларида бу касалликка аниқ таъсир қилуш имкониятлари

яратилиб, эҳтиёт чораси сифатида самарали восита "Тамифлю" ва бошқа дори-дармон заҳираси хозирлаб қўйилди.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар юқумли касалликлар шифоналарида заҳира сифатида бемор ўринлари ажратилган.

Мамлакатимизда карантин ва ўта хавfli юқумли касалликларнинг юртимизга кириб келишининг олдини олиш бўйича тегишли идоралар зиммасига аниқ вазифалар юклатилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Республика Карантин ва ўта хавfli юқумли касалликлар муҳофазаси маркази, Эпидемиология ва вирусология илмий-текшириш институтлари томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ишлар яхши натижалар бермоқда. Шу бугунгача юртимизда "парранда гриппи" ва "янги" А гриппи билан касалланганлар учрамаганлиги қувонарлиқдир.

Шу ўринда "янги" А гриппи бедаво касаллик эмаслигини таъкидлаш жоиз. Дунёда ушбу касаллик сабабли ҳаётдан кўз юмган беморлар, одатда, ўз вақтида даволанмаганлиги оқибатида вафот этганлигига эътибор қаратиш лозим. А (Н, Н.) вирусининг оддий грипп вирусига қарши қўлланиладиган дориларга жуда чидамли эканлиги уни шунчаки шамоллаш деб ўйлаган беморга панд бериб қўяди. Шунинг учун ҳам ҳар бир фуқаро ўзида касаллик белгиларини сезса, кечиктирмасдан шифоқорга мурожаат қилиши лозим.

Мутахассис олим ушбу касалликнинг белгилари, пайдо бўлиш ва тарқалиш сабаблари, ёмон оқибатлари, уни даволаш усуллари ҳақида ҳам батафсил сўз юритди. Шу билан бирга бирор мамлакатда хавfli юқумли касаллик тарқалиши шу мамлакатнинг иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши, бунинг ижтимоий-сиёсий оқибатлари хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

Кизгин мулоқот тарзида ўтган учрашувда йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

(Ўз мухбиримиз)

## "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"

# Қишлоқларни ободонлаштириш

**ДАВЛАТ** дастурининг асосий мақсади дир БАРҲАМИЗГА ёнги, республикамиз аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Мамлакатимиз тараққиёти ҳар жиҳатдан қишлоқлар билан ҳамбаркас боғлиқлигини инобатга олсак, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сонли Қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг нечоғлики муҳим аҳамиятга эгаллигини англаб етамиз. Мазкур дастурининг қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида қишлоқдаги турмуш сифатини оширишга қаратилган бандлари, айниқса, диққатга сазовордир.



БУ БОРАДА жорий йил мобайнида автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини тубдан яхшилаш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Шунингдек, энергия таъминотининг мавжуд объектларини реконструкция қилиш ва янги объектларни қуриш ҳисобига қишлоқни зарур энергетика ресурслари билан узлуksиз ва сифатли таъминлаш юзасидан Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳам таҳсинга сазовордир. Чунонки, дастурда қайд этилганидек, узулиги 2558,3 км., қуввати 35-110 КВ.т бўлган мавжуд электр таъминоти тармоқларини муккамал таъмирлаш, узулиги 14,42 км., қуввати ВА 0,4-10 КВ.т бўлган электр тармоқларини реконструкция қилиш, 271,1 км. узулиқдаги, шу жумладан, 115,6 км. юқори босимли газ қувурларини, 155,6 км. ўртача ва паст босимли газ қувурларини таъмирланади.

Бу каби изчил чора-тадбирлар тўғрйли қишлоқ жойларида турмуш даражаси юксалади, десак хато қилмай-миз.

Шарофат АБЗАЛОВА, Баҳоидир АБДУРАХМОНОВ, ТДЮИ ўқитувчилари

ЕР — ҳалқимизнинг умуммиллий бойлиги, мамлакат аҳлининг ҳаёти, фаровонлигининг асосий манбаи. Ундан оқилона фойдаланиш зарур ва мамлакат ҳудудидagi барча ер майдонлари давлат томонидан муҳофазга қилинади.

Бебаҳо неъмат

Ер — умуммиллий бойлигимиз

Юридик ва жисмоний шахсларнинг унга бўлган ҳуқуқи

ЕР давлат мулки, умуммиллий бойлигимиздир. Ер давлат томонидан муҳофазга этилади, у олди-сотди ва айирбош қилинмайди, ҳада этилмайди, гаровга кўйилмайди.

налари ҳодимлари, чет эллик жисмоний ва юридик шахслар уй-йўли сойтиб олганларида ҳам улар жойлашган ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқи юзага келади.

Ерга нисбатан давлатнинг бу каби устувор ҳуқуқлари Ер кодексидаги ташқари Фуқаролик кодекси, "Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисида"ги, "Табиятнинг муҳофазга қилиш тўғрисида"ги қонунларда ҳам ўз ифодасини толган.

Яна бир эътиборли ҳолат ҳақида ҳам тўхталмоқ даркор. Қонуний асосларда ер муносабатлари масаласида юзага келиши мумкин бўлган низоли ҳолатлар ва унинг ечими ҳам назарда тутилган.

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи кўчмас мулк ҳисобланади. Ер участкаларини сотиб олиш туфайли пайдо бўлади. Ер кодексининг 18-моддасига кўра, мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда вужудга келади.

Қонунчилигимизнинг юқорида кўрсатилган талаблари барча манфаатдор томонлардан она еримизга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш, уни асраб-авайлаш, унумдорлиги, самарадорлиги ва ҳосилдорлиги тўғрисида орта боришини таъминлаш, олинадиган ноз-неъматлар миқдорини муттасил кўпайтира бориш ва сифатини тобора яхшилаш билан боғлиқ барча тадбирларни изчил амалга ошириши тақозо этади.

У ё остидан, ё устидан қабилда иш қўриб, тақроран жиноий ишга қўлади. Бу сафар "Само юлдуз баракаси" хусусий корхонасининг директори лавозимидagi фаолияти жараёнида қорхонанинг 2007 йил давомида амалга оширган товар айланмалари юзасидан

Қинғир иш — келтирар ташвиш Солиқдан яширилган гаромаг

қонун олдида жавоб беришга мажбур қилади

САМАРҚАНДЛИК Баҳодир Қодиров ҳадемай 30 ёшни қарши олади. 3 фарзанднинг отаси.

У ХАТИРЧИ туманидаги "Булут само юлдузи" ва "Само юлдуз баракаси" ҳамда Навбахор туманидаги "Навбахор бунёдкори" хусусий корхоналарининг раҳбари лавозимидagi фаолияти жараёнида ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан ёндашиб, тақроран бир неча бор қинғир ишларга қўлади.

Баҳодир Қодиров 2006 йил октябр ойида Хатирчи тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган "Булут само юлдузи" хусусий корхонасининг директори, яъни мансабдор шахс бўла туриб, ўз мансаб гаразли манфаатларини қўлаб, жиноий ишга қўлади.

Туман ДСИга қорхонанинг 2007 йил давомида амалга оширган товар айланмалари юзасидан ўз вақтида ҳисоботларини топширмаганлиги натижасида туман ДСИ томонидан "Халқ банки" Навой шаҳар филиалидаги ҳисоб рақамига 2007 йилда 2006 йил 4-қорағи учун ягона солиқ тўловидан 451400 сўм, 2007 йилда ягона солиқ тўловидан 21 000 000 сўмга инқассо топшириқномаси қўйилганлиги боис, давлат бюджетига мажбурий ўндиришлардан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлайди.

У энди ҳар қанча уринмасин, гишт қолгандан кўнган, иш туман прокуратурасига оширилган эди. Баҳодир Қодировнинг яна бир сирини фойш этилди. Прокуратура ҳодимлари томонидан Б.Қодировга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида у Навбахор тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган "Навбахор бунёдкори" хусусий корхонаси директори лавозимидagi фаолияти юзасидан, 2008 йил 9 ойи давомида олган даромадидан 14287, 0 минг сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлиги ҳам аниқланди.

Нихоят, тергов ҳаракатлари якунланди. Мазкур жиноят иши айблов хулосаси билан жиноят ишлари бўйича Хатирчи тумани судига юборилди. Туман судининг ҳукмига асосан, Баҳодир Қодировга тегишли бўлган жами 104,3 миллион сўмлик товар моддий бойликларидан 89,9 миллион сўми Хатирчи тумани ДСИнинг ҳисоб рақамида қолдирилди, қолган 14,3 миллион сўми Навбахор тумани ДСИнинг ҳисоб рақамига ўтказилди.

Суд Баҳодир Қодировга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баробари миқдорда, яъни 12 520 000 минг сўм жарима жазосини қўлади.

Аскар МАМАРАҲИМОВ, жиноят ишлари бўйича Хатирчи тумани суди раиси, Неъмат БУРОНОВ, Хатирчи тумани ДСИ бошлиғи, Элдор НАМОЗОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Журналист суриштируви Лафзсизлик

Ваъда ваъдалигича қолгани хусусида

ТАҲРИРИЯТНИНГ Сирдарё вилоятидаги муҳбирлик бўлими хаткутисига шикоят келди. Гулистон тумани "Дўстлик" сувдан фойдаланувчилар уюшмасида яшовчи, хусусий тадбиркор Ҳожимухаммад Нурбоев қаламга олган муаммони сирдан қорганда, вилоятда ҳал этса бўладигандек. Бироқ мавжуд аҳволни ўрганиб чиққанмиздан сўнггина хулосамиз ноўрин эканига амин бўлдик. Зотан, 2007 йилдан буён мазкур муаммо ечимини топмай келмоқда.

"ТАДБИРКОРЛИК фаолиятим тут кўчати етиштириш ва белгиланган тартибда шартнома асосида хўжалик юритувчи субъектларга сотиш орқали амалга оширилади, — дея бошланади мақбуб. — Мен 2008 йилда етиштирган кўчатларни қовлаб олдим ва сотиш учун хўжалик юритувчи субъектларга таклиф этдим. Орадан кўп ўтмай, аниқроғи, 2008 йилнинг 15 мартида Сирдарё вилояти "Сирдарё пилла" масъулияти чекланган жамиятининг (кейинги ўринларда МЧЖ — муаллиф) Сирдарё тумани филиали бош хисобчиси Мурод Санаев менга учрашди ва тегишли ҳужжатлар, пулни 10 кунда тайёрлаб, ҳисоб рақамимизга ўтказиб беришни ваъда қилди. Сўнгра умумий қиймати 3 миллион 910 минг сўмлик — 19550 дона тут кўчатини олиб кетди. Кетар чоғида филиал раҳбари Акбар Хамидов билан телефон орқали боғландим. У ҳам ўз навбатида хисобчининг ваъдаларини такрорлади. Мен уларнинг лафзига ишонгандим. Аммо орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтса ҳамки, на пулдан, на ҳужжатдан ва на раҳбардан дарак бўлди. Тегишли тартибда судга мурожаат қилай десам, бирон ҳужжатни беришмайди. Хуллас, бу борада масъул шахсларга мурожаат қилавериб, чарчадим".

Биз ўшбу масалага оидлик киритиш мақсадида Сирдарё туманида

бўлдиқ ва мақбубда қайд этилган филиал раҳбари Акбар Хамидов, бош хисобчи Мурод Санаевлар билан суҳбатлашдик!

— Биз Ҳожимухаммад Нурбоевдан тумандаги фермерлар учун тут кўчати олганмиз. Бироқ тўлов ва ҳужжат ҳақида ҳеч қандай кафолат бермаганмиз. Ҳатто бу ҳақда гап ҳам бўлмаган. Чунки биз ҳужжат тақдим этиш ваколатига эга эмасмиз, балки вилоят "Сирдарё пилла" МЧЖнинг филиалимиз, холос. Қолаверса, ўшанда МЧЖ раҳбарининг топшириғини бажарганмиз, — деди у.

Мазкур суҳбатдан сўнг шубҳали саволлар оғушида қолдик: Хўш, А.Хамидовнинг гапи тўғри ҳам дейлик, унда тадбиркор қарийб 4 миллион сўмлик маҳсулотни кимга ва нимага ишониб М.Санаевга берди? Бизнингча, ҳеч ким пешона тери эвазига етиштирган маҳсулотини ҳеч бир асоссиз, боз устига текинга бировга қўшқўлаб топшириб қўймайди-ку!

Зотан, бу ерда миллионлар ҳақида сўз кетмоқда. Ушбу муаммо хусусида "Сирдарё пилла" МЧЖ раиси Қобилжон Файзуллаевнинг фикри эса бироз бошқача. "Ҳақиқатан ҳам бу борада вилоят ҳокимининг фармойиши бор эди. Уни бажариш учун бошқа мутасаддилар қатори туман филиаллари раҳбарларига ҳам топшириқ берилган. Бироқ тегишли тўловларни амалга ошириш, яъни кўчатларни олган фермерларнинг банкларидаги ҳисоб рақамларидан тадбиркорлар ҳисоб

рақамига пул ўтказилишини назорат қилиш банк бошқарувчиси билан бир қаторда филиал раҳбарининг ҳам зиммасига юклатилганди. Асосийси, кўчатни филиал раҳбарлари туманга олиб бориб, хўжаликларга тарқатишган".

Биз шикоятни ўрганиш чоғида юқорида баён этилаётган воқеа гувоҳлари Умид Худойкулов, Ақром Ўсаров, Набижон Қобуловлар билан ҳам суҳбатлашдик. Улар тадбиркор билан кўп йиллардан буён бир қишлоқда яшаб келишаётганлиги-ю, унинг даввола-ри тўғри эканлиги, ҳатто филиал бош хисобчиси М.Санаевнинг ўша ваъдаларидан сўнг кўчатни у олиб келган юк машинасига ортишда кўмаклашганликларини-да баён этишди...

Биз бугун ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан бормоқдамиз. Бунинг учун мамлакатнинг ҳар бир фуқаросидан чуқур ҳуқуқий билан талаб этилади. Фуқароларда ҳуқуқий онг ва маданиятни янада ривожлантириш бугуннинг сиесати эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Республика Адлия вазирлиғи томонидан бу борада олиб борилаётган қатор ҳайри ишлар фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Демокчи бўлганимиз, Ҳожимухаммад ақаниннг ҳуқуқий саводхонлиги юксак даражада бўлмаганлиги, унга панд берган. Негаки, далолат меҳнат эвазига етиштирилган тут кўчатларини у оғзани ваъдаларга ишониб, шартнома имзоламастан бериб юборган.

Мақолага нукта қўяр чоғимизда Х.Нурбоев сингари тадбиркорларнинг қонуний манфаатини ҳимоя қиладиган мутасаддилар масалага оидлик киритади, деб уйд қилдик. Абдуғаффор ОМОНҲОЕВ, ҳисоб ва қонун муҳбири



AGROBANK advertisement. Includes logo, text about agricultural loans, and contact information. Headline: "Талабалиқнинг олтин даври инсон ҳаётида ўзининг ёрқин ва ҳаяжонли дақиқалар хотираси билан муҳим ўрин тутлади."

ASAKA bank advertisement. Includes logo, text about currency exchange services, and a list of branches. Headline: "Ҳурматли юртдошлар! 'Асака' банк (ОАЖ) қуйидаги янги мuddатли омонат турларини таклиф этади."

